

УДК: 615.322:615.074:615.254.1

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

**Жалилов Уткирбек Мамарахимович**

Оддий сачратки (*Cichorium inthabus L.*) курук экстракти ва капсула технологиясини ишлаб  
чиқиш ..... 3

**Жалилов Уткирбек Мамарахимович**

Разработка технологии сухого экстракта и капсул цикория обыкновенного (*Cichorium  
inthybus L.*) ..... 21

**Jalilov Utkirbek Mamarahomovich**

Development of technology for dry extract and capsules of chicory ordinary (*Cichorium  
inthybus L.*) ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Last of published works ..... 44

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

**ЖАЛИЛОВ УТКИРБЕК МАМАРАХИМОВИЧ**

**ОДДИЙ САЧРАТКИ (*CICHORIUM INTYBUS L.*) ҚУРУҚ  
ЭКСТРАКТИ ВА КАПСУЛА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

15.00.01 - дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Far25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Қамбаров Хусан Жаҳангирович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Тўхтаев Ҳаким Раҳманович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Сотимов Ғайрат Бахтиярович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** **А.Султонов номли Ўзбекистон кимё**  
**фармацевтика илмий тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «15» «12» соат 12 дақиқасида бўлиб ўтади (манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: pharmi.@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «12» «12» кунни тарқатилди.  
(2019 йил «12» «12» дақиқасида 10 рақамли реестр баённомаси)

  
**И.И. Алимджанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ё.С.Кариева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Урманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро диабет федерацияси (IDF) маълумотларига кўра 2019 йилда дунёда 425 миллиондан ортиқ II-тип қандли диабет касаллигига чалинган беморлар борлиги таъкидланган. 2040 йилда эса қандли диабетга чалинганлар сони 642 миллионгача етади<sup>1</sup>. Ушбу касалликни олдини олиш ва даволаш, аҳолини сифатли, безарар, маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқилган дори воситалар ва биологик фаол моддалар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда доривор ўсимлик хом ашёларидан турли агрегат ҳолатидаги экстрактларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш, унинг асосида турли дори шакллари яратиш, сифат ва микдор кўрсаткичларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий доривор ўсимликлардан замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда экстрактлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, биологик фаол моддаларни ажралиб чиқишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, ушбу экстрактлар асосида дори шакллари ишлаб чиқиш, уларнинг яроқлилик муддатларини белгилашни тақозо этмоқда.

Республикамизда доривор ўсимликлардан дори препаратлари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда сифатли ва иқтисодий жиҳатдан қулай препаратлар ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, экспортбоп биологик фаол қўшимчалар ва дори воситалари таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968 «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2019-2021 йилларда эндокринологик ёрдам

<sup>1</sup>Тарасенко Н.А. Сахарный диабет: действительность, прогнозы, профилактика // Современные проблемы науки и образования. – 2017. – № 6.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация изланишларида қўлланилган оддий сачратқи ўсимлигидан курук экстракт олиш ва таблетка дори шаклини ишлаб чиқишда Х.М.Комилов, Д.Ю.Адилбекова, Ж.А.Адилбековларнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда. З.Т.Файзиева, З.У.Усмановалар томонидан сачратқи ўсимлигининг ер устки қисми ва илдизидан олинган дамлама гипогликемик ва диуретик хоссалари ўрганилган.

Дунё миқёсида сачратқи ўсимлиги таркибидаги биологик фаол моддаларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: L.Doleys, О.Л. Сайбель, Т.Д. Даргаеа, Н.Б.Фадеев, I. Schormuller, S.B. Rees, J.B.Narborne, Яворский О.И., Роговская Л.Я. илмий изланишлар аҳамиятлидир.

Мазкур диссертация ишида сачратқи ўсимлиги илдизи ва ер устки қисмидан курук экстракт ва капсула дори тури технологиясини ҳамда йиғма асосида гипогликемик хоссага эга капсула БФҚ ни технологиясини ишлаб чиқиш ва сифат меъёрларини аниқлаш, фармакологик хоссалари ва безарарлигини ўрганиш, тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этиш бўйича илмий тадқиқотлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Амалиётга жорий этилган генерик дори воситаларини янги такомиллашган технологияларини ишлаб чиқиш» ҳамда АТСС 34,5 «Пилла, тут барги, стевия барги, оддий сачратқи ер устки қисми ва илдизи асосида яллиғланиш ва диабетга қарши, диуретик ва қон тўхтатувчи таъсирга эга перорал ва аппликацион дори турлари технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** маҳаллий сачратқи ўсимлиги илдизи ва ер устки қисмидан курук экстракт технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда «Antidiabet» йиғмасидан гипогликемик таъсирга эга капсула шаклдаги БФҚ таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сачратқи ер устки қисми ва илдизидан курук экстракт технологиясини ишлаб чиқиш;

сачратқи ўсимлигидан курук экстракт таркибига БФҚ ларни ажралиб чиқишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш: хом ашёнинг майдалик

даражаси, экстракция шароити ва жараён давомийлиги, экстрагент тури ва миқдори, экстрактни қурутиш шароитини танлаш ва х.к. Олинган натижалар асосида тажрибаларни математик режалаштириш билан мақсадга мувофиқ экстракция жараёни танлаб олиш;

сачратқи ўсимлигидан олинган курук экстрактнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш натижасида капсула шаклдаги БФҚнинг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;

сачратқи ўсимлигидан олинган курук экстракт ва капсула шаклдаги БФҚни стандартлаш;

сачратқи ўсимлиги курук экстракти ва капсула шаклдаги БФҚнинг гипогликемик хоссаларини қиёсий ўрганиш;

сачратқи ўсимлиги курук экстракти ва капсула шаклдаги БФҚнинг жиҳозлаш учун турли кадокловчи материаллардан тайёрланган жиҳозларни танлаш;

сачратқи ўсимлиги курук экстракти ва капсула шаклдаги БФҚнинг сакланиш шароити ва муддатини ўрганиш;

«Antidiabet» капсула шаклдаги БФҚ таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш ва гипогликемик хоссасини ўрганиш;

«Antidiabet» йиғмаси асосида олинган капсулалар технологиясини корхона ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бўстонлик туманида жорий йилнинг август-сентябрь ойларида терилган сачратқи ўсимлиги ер устки ва илдизи қўлланилган. «Antidiabet» капсулалари таркиби қуйидаги доривор ўсимликлар: балх тути барги, чучукмия илдизи, доривор маврак барги, оддий сачратқи ўсимлиги, стевия барги ҳамда уларнинг кимёвий таркибидаги биофаол моддалар ва гипогликемик хоссасидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сачратқи илдизи ва ер устки қисмидан курук экстракт ва капсулаларни олиш, «Antidiabet» йиғмасидан капсула шаклидаги БФҚ технологиясини, сифат ва миқдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини бажаришда замонавий технологик, физикавий (гравиметрик), физик-кимёвий (спектрофотометрик), биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий доривор ўсимлик-сачратқи илдизи ва ер устки қисмидан биологик фаол моддалар мажмуасини сакловчи гипогликемик ва диуретик таъсирга эга курук экстракт технологияси ишлаб чиқилган ва сифати баҳоланган;

сачратқи ўсимлиги курук экстракти асосида капсула дори турининг илмий асосланган таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор «Antidiabet» йиғмасининг илмий асосланган таркиби ва ундан капсула шаклдаги БФҚ технологияси, сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

сачратки ўсимлиги курук экстракти, ундан олинган капсула дори тури ва «Antidiabet» капсулаларининг сифатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган ҳамда таркибидаги инулин модда миқдори аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

сачратки ўсимлиги курук экстракти, ундан олинган капсула дори тури ва «Antidiabet» капсуласининг сақланиш ва яроқлилиқ муддатлари белгиланган;

сачратки ўсимлигидан курук экстракт ва капсула дори шакли ҳамда «Antidiabet» йиғмасидан капсула шаклдаги БФҚнинг гипогликемик хоссаси in vivo тажрибаларда ўрганилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий технологик, физик-кимёвий, биофармацевтик ва статистик усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни sanoat шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёси сачратки илдизи ва ер устки қисмидан гипогликемик ва диуретик таъсирга эга чиқиндисиз курук экстракт олишнинг мўътадил усулини ишлаб чиқиш ва у асосда капсула таркибини танлаш ва технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Antidiabet» капсула шаклдаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш технологияси бўйича «GOLD RAY PHARMACEUTICALS» МЧЖ билан ҳамкорликда меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиб, импорт ўрнини босувчи препаратлар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оддий сачратки (Cichorium Inthybus L.) курук экстракти ва капсула технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оддий сачратки ўсимлигидан курук экстрактини олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (IAP 05980, 20.09.2019 й). Натижада хориждан импорт қилинадиган диабетга қарши дори препаратларни ўрнини босадиган дори воситасини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Antidiabet» йиғмаси асосида тайёрланган капсула шаклидаги БФҚга техник шартлар «Узстандарт» агентлиги томонидан (Ts 26140431-001:2019) ва технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 26140431-001:2019). Натижада диабет касаллигининг олдини олиш ва даволаш учун биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадиқот натижалари 6 та халқаро, 1 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 12 илмий иш чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республикада ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил қилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Гипогликемик хоссага эга доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқиладиган препаратлар технологиясига доир масалалар» деб номланган биринчи бобида қандли диабет касаллигида қўлланиладиган доривор ўсимликлар, таркибида инулин сақловчи ўсимликлар ва қандли диабет касаллигида ишлатиладиган ўсимлик хом ашёсидан олинган препаратлар, экстракция жараёни ва унга таъсир этувчи омиллар таърифи ҳамда доривор ўсимлик хом ашёсидан олинган капсуласидаги дори воситалари технологиясини ўрганиш масалалари ҳақида адабиёт шарҳи келтирилган. Маҳаллий гипогликемик таъсирга эга доривор ўсимликлар хом ашёси мажмуаси, жумладан, оддий сачратки илдизи асосида олинган дори воситасининг аҳамияти кўрсатилган.

Диссертациянинг «Оддий сачратки илдизи ва ер устки қисми хом ашёсидан курук экстракт ва капсула дори тури технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш» деб номланган иккинчи бобида танланган асосий материаллар ва ёрдамчи моддалар тавсифи, текшириш усуллари асослаш, оддий сачратки экстракти ва капсула дори турини сифатини баҳолашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар тавсифи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадиқотларда Давлат Фармакопея усулларида ташқари, физик-кимёвий, спектрофотометрия, гравиметрия ва бошқа усуллар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида оддий сачратки илдизи ва ер устки қисми хом ашёсидан биофаол моддаларни ажралиб чиқишига таъсир этувчи омилларнинг таъсири ўрганилган. Дастлабки изланишларда оддий сачратки хом ашёсидан сувли-спиртли экстракция иссиқ ва совуқ усулларда олиб борилди. Экстракциялаш жараёни касрли мацерация-циркуляция усулида амалга оширилди ва олинган ажратмаларнинг сон кўрсаткичлари қиёсий ўрганилди. Гидромодуль ва экстракция жараёнининг мўътадил кўрсаткичини аниқлаш эмпирик йўл билан, курук қолдиқ чиқиши бўйича амалга оширилди.

Сувли-спиртли ажратмадан спирт ҳайдаб олингандан сўнг, қолдиқ сув ҳаммомида буглатилди ва куйка куритгич жавонида 40-50° С ҳароратда доимий массагача куритилди.

Кейинги тажрибаларда илмий асосланган технологик жараёни танлаш ҳамда экстракциялаш жараёнини мўтадиллаштириш мақсадида, шунингдек тажрибалар сони ва хатоларни камайтириш учун тажрибаларни математик режалаштиришда биринчи тартибдаги лотин параллелепипеди асосидаги тўрт омили носимметрик касрли режадан фойдаланилди. Бунда экстракция жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган қуйидаги омиллар танлаб олинди: А – хом ашё ва экстрагент мутаносиблиги; В – хом ашёнинг майдалик даражаси, мм; С – экстракциялаш вақти, соат; D – ҳарорат, градус Цельсий. Мўтадиллаштириш мезонлари сифатида қуйидагилар танлаб олинди: Y' – экстрактив моддаларни ажралиб чиқиши, %; Y'' – полисахаридларнинг миқдори, %; Y''' – гипогликемик хоссаси, %.

Турли режимда экстракциялаш жараёнида олинган сачратки куруқ экстрактивнинг гипогликемик хоссаси экспериментал гипергликемия чакирилган лаборатория каламушларида ўрганилди. Тажрибаларда ўрганилган омиллар ва уларнинг даражалари 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

Оддий сачратки куруқ экстрактивни олиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар ва даражалари

Хом ашё ва экстрагент мутаносиблиги	Хом ашёнинг майдалик даражаси, мм	Экстракцияга сарфланган умумий вақт, соат	Ҳарорат, градус Цельсий
a <sub>1</sub> – 1:8	b <sub>1</sub> – 1	c <sub>3</sub> – 3	d <sub>1</sub> – 85±5
a <sub>2</sub> – 1:10	b <sub>2</sub> – 2	c <sub>2</sub> – 2	d <sub>2</sub> – 25±5
a <sub>3</sub> – 1:12	b <sub>3</sub> – 3	c <sub>1</sub> – 1	

Танлаб олинган омилларнинг аҳамиятлилигини баҳолаш режалаштириш матрицаси белгилаб берган шароитда 18 та тажрибалар ўтказилди ва экстракция жараёнини мўтадиллаштирилди, натижалар 2-жадвалда келтирилган.

#### 2-жадвал

Математик режа матрицаси ва оддий сачратки куруқ экстрактив сифатини баҳолаш натижалари


Тажриба т/р	А	В	С	D	Мўтадиллаштириш мезонлари			
					Y'	Y''	Y'''	L
1	a <sub>1</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>1</sub>	22,52	53,3	37±1,7	4
2	a <sub>1</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>1</sub>	13,28	44,6	35±1,9	2
3	a <sub>1</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>1</sub>	12,92	45,3	28±1,6	2
4	a <sub>2</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>1</sub>	20,35	50,4	32±1,7	3
5	a <sub>2</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>1</sub>	20,48	52,7	32±1,3	3
6	a <sub>2</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>1</sub>	14,26	44,8	29±1,2	2
7	a <sub>3</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>1</sub>	14,67	42,8	29±1,5	2
8	a <sub>3</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>1</sub>	10,22	30,3	26±1,3	1
9	a <sub>3</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>1</sub>	14,38	45,3	29±1,5	2

10	a <sub>1</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>2</sub>	14,44	46,7	29±1,8	2
11	a <sub>1</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>2</sub>	14,65	44,2	29±1,9	2
12	a <sub>1</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>2</sub>	9,86	27,8	26±1,7	1
13	a <sub>2</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>2</sub>	9,97	31,4	26±1,1	1
14	a <sub>2</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>2</sub>	8,32	20,5	24±1,9	0
15	a <sub>2</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>2</sub>	9,45	32,4	27±1,2	1
16	a <sub>3</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>2</sub>	14,15	43,5	28±1,9	2
17	a <sub>3</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>2</sub>	8,66	19,9	26±1,7	0
18	a <sub>3</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>2</sub>	8,64	20,7	25±1,4	0

Тажриба натижалари дисперсион таҳлил қилинди ва дисперсиянинг бир хиллиги Фишер мезони бўйича баҳоланди. Дисперсион таҳлил натижалари ва Фишер мезони қийматлари (жадвал натижаси) қиёсий баҳоланди –  $F_{\text{эксп.}} < F_{\text{жадвал}}$ . Олинган натижалар моделининг бир хиллигини ва сачратки илдизи таркибдаги полисахаридларнинг экстракция жараёни тўлиқ, тўғри содир бўлганлигини кўрсатди ҳамда танлаб олинган омиллар экстракциялаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмаслиги исботланди.

Оддий сачратки куруқ экстрактивни олиш жараёнини мўтадиллаштириш мақсадида афзаллик турнир жадвали тузилди ва лидер (L) натижалари тажрибалар танланди ва ҳар бир омил даражаси учун афзалликлар ҳисобланиб: афзал натижалар – 1, салбий натижалар эса – 0 билан баҳоланди, «Лидер» лар (L) аниқланди:  $a_1 > a_2 > a_3$ ,  $b_1 > b_2 > b_3$ ,  $c_3 > c_2 > c_1$ ,  $d_1 > d_2$ . Бунда энг мўтадил деб топилган экстракциялаш жараёнига таъсир этувчи барча омилларнинг даражалари ўрганилди ва энг катта очко тўплаган «Лидер» (L) аниқланди. Ушбу натижалар бир чизикли математик модел адекватлиги исботланди ва бошқа таъсир кўрсатувчи омиллар катта аҳамиятга эга бўлмаган деб топилди. Турнир жадвалнинг (3-жадвал, L) натижаларини ҳисобга олиб, энг мақсадга мувофиқ натижалар – 1-рақамли тажрибалар деб топилди.

Технологик жараён: оптимал майдалик даражаси – 2 мм гача майдаланган оддий сачратки илдизи ва ер устки қисми; сачратки хом ашёсини бўктириш учун 70% этил спирти ва бўктириш вақти 3 соат деб танланди, бунда хом ашё ва этанол нисбати 1:4 тенг; сўнг минерал тузлар ва кичик- ва ўрта олигосахаридлар ҳамда оддий қандларни ювиш учун 1:3 нисбатдаги совуқ (25-30° С) сувдан фойдаланилди. Сўнг иссиқ сув (85±5° С) билан экстракция 60 дақиқа (1:8 нисбатда) ва иккинчи мартада эса 30 дақиқада (1:4 нисбатда) амалга оширилди. Ажратмалар бирлаштирилиб, 3 сутка салқин жойда тиндирилди ва филтрланди, сўнг ажратмалар 60±5° С ҳароратда сув ҳаммомида буглатилди, қолган куйка эса 50±2° С ҳароратда куритгич жавонида 4,3±0,5% қолдиқ намликгача куритилди.



1-расм. Сачратки куруқ экстрактини олиш технологик жараён тасвири

Кейинги тажрибаларда оддий сачратки куруқ экстрактининг физик-механик кўрсаткичлари баҳоланди. Оддий сачратки хом ашёси куруқ экстракти – оч- ёки тўқ жигарранггача бўлган рангдаги, ўзига ҳос ёқимлик хид ва ширин-тахир таъмга эга майда дисперс гигроскопик кукун.

Сачратки куруқ экстрактининг сон кўрсаткичлари ва таркибидаги полисахаридлар миқдори аниқлаш гравиметрик усулда амалга оширилди (4-жадвал). Бунда оддий сачратки куруқ экстракти таркибидаги полисахаридлар миқдори  $40 \pm 1,2\%$  дан кам бўлмаслиги керак деб топилди.

Оддий сачратки илдири ва ер устки қисмидан олинган куруқ экстракт тўқ жигарранг ўзига ҳос хид ва тахир таъмга эга полидисперс гигроскопик порошок, қолдиқ намлиги  $6,8 \pm 0,6\%$ . Порошок қоникарсиз технологик кўрсаткичларни намоён этди: нисбатан кичик сочилувчан зичлик -  $280,0 \pm 2,07$   $\text{кг/м}^3$ , қоникарсиз сочилувчанлик -  $1,2 \pm 0,83 \cdot 10^{-3}$   $\text{кг/с}$ , юқори прессланувчанлик -  $90,0 \pm 5,0$  Н ва зичланиш коэффициентлари -  $3,8 \pm 1,2$ . Олинган натижалардан кўриниб турибдики, оддий сачратки куруқ экстрактини

капсулага жойлаш учун қўшимча тарзда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш ва грануляция усулини қўллаш керак (7-жадвал).

4-жадвал

Оддий сачратки экстрактининг сон кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

№	pH кўрсаткичи	Намлиги, % 5% дан кўп эмас	Оғир металллар миқдори, % 0,01% дан кўп эмас	Полисахаридлар миқдори, $40 \pm 1,2\%$ дан кам эмас
1.	4,5	3,07	0,002	$47,6 \pm 2,31$
2.	4,9	3,08	0,001	$46,1 \pm 2,86$
3.	4,0	3,09	0,003	$46,7 \pm 1,63$
4.	4,3	3,09	0,005	$45,4 \pm 1,67$
5.	5,0	3,09	0,005	$45,8 \pm 0,157$

Оддий сачратки илдири ва ер устки қисмидан олинган куруқ экстрактдан капсула дори турини олишда тажрибаларни математик режалаштириш – 4x4 лотин квадратидан фойдаланилди. Ушбу усулдан фойдаланиш хато тажрибалар сонини камайитириш ҳамда турли омилларни мўътадиллаштириш мезонларига таъсирини баҳолашга имкон берди. Тажрибаларни ўтказишда мўътадиллаштириш мезонларга  $Y_1$ -сочилувчанлик ( $10^{-3} \text{кг/с}$ );  $Y_2$ -сочилувчан зичлик ( $\text{кг/м}^3$ );  $Y_3$ -парчаланиши (дақиқа);  $Y_4$ -табиий оғиш бурчаги ( $^\circ$ ) таъсир кўрсатувчи омиллар танлаб олинди (5-жадвал).

5-жадвал

Оддий сачратки куруқ экстракти капсулаларини мўътадиллаштириш мезонларига таъсир кўрсатувчи омиллар

Махсулот номи	Омиллар			
	A- тўлдирувчи	B- сирпан-тирувчи	C- говакловчи	D- боғловчи
Оддий сачратки куруқ экстракти капсула массаси таркибига киритилган ёрдамчи моддалар	a1- сахароза	b1- кальций стеарат	c1 - МКЦ	d1- тозаланган сув
	a2- декстрин	b2 - аэросил	c2- қуритилган крахмал	d2- 5% крах-мал шилим-шиги
	a3- МКЦ «Пахта целлюлозаси»	b3- тальк	c3-КМЦ	d3- этанол 96%
	a4- лактоза	b4 - ПЭО-400	c4-Na-КМЦ	d4-МКЦ2% гели


Оддий сачратки куруқ экстракти капсулаларининг мўътадиллаштириш мезонларига ёрдамчи моддаларни таъсири эркинлик даражалар сонини ҳисобга олиб Фишер мезони бўйича баҳоланди. Танлаб олинган A, B, C ва D омилларнинг мўътадиллаштириш мезонларига таъсирини баҳолаш дисперсион таҳлили натижалари бўйича амалга оширилди. Дисперсион таҳлил натижасида тажриба учун танлаб олинган ёрдамчи моддалар тури сачратки куруқ

экстракти капсула массасига ва капсулалар сифатига ( $Y_1, Y_2, Y_3, Y_4$ ), сезиларли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди, яъни  $F_{0,05} = 4,8, F_{тажр} < F_{жал}$ . Агар ўзаро таъсир кўрсатишда  $F_{тажр}$  жадвалда келтирилган натижадан кичик бўлса, унда танланган бир чизикли модель таҳлили учун ярқли ва асосий омилларни муҳимлигини текшириш мумкин. Оддий сачратки курук экстракти капсула массаси учун ёрдамчи моддаларни танлаш мойиллик функциясининг (D) умумлаштирилган натижалари ва келтирилган мўътадиллаштириш мезонлари бўйича амалга оширилди (6-жадвал).

6-жадвал

Математик режа матрицаси ва оддий сачратки курук экстракти капсулаларнинг сифатини баҳолаш натижаларни

Номер опыта	Омиллар				Мўътадиллаштириш мезонлари				D
	A	B	C	D	$Y_1, 10^{-3} \text{кг/с}$	$Y_2, \text{кг/м}^3$	$Y_3, \text{дакика}$	$Y_4, \text{градус}$	
1	a <sub>1</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>1</sub>	4,3	371	26	41	0,49
2	a <sub>1</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>1</sub>	4,1	352	29	43	0,41
3	a <sub>1</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>1</sub>	4,8	419	22	34	0,64
4	a <sub>1</sub>	b <sub>4</sub>	c <sub>4</sub>	d <sub>1</sub>	3,9	329	31	46	0,37
5	a <sub>2</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>1</sub>	3,9	330	31	46	0,37
6	a <sub>2</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>1</sub>	4,1	351	29	43	0,41
7	a <sub>2</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>1</sub>	4,6	402	24	36	0,58
8	a <sub>2</sub>	b <sub>4</sub>	c <sub>4</sub>	d <sub>1</sub>	3,7	310	33	48	0,30
9	a <sub>3</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>3</sub>	5,3	470	15	30	0,75
10	a <sub>3</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>1</sub>	4,6	401	24	36	0,58
11	a <sub>3</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>1</sub>	4,9	432	21	33	0,65
12	a <sub>3</sub>	b <sub>4</sub>	c <sub>4</sub>	d <sub>1</sub>	4,5	390	25	38	0,55
13	a <sub>4</sub>	b <sub>1</sub>	c <sub>1</sub>	d <sub>1</sub>	4,2	359	28	42	0,46
14	a <sub>4</sub>	b <sub>2</sub>	c <sub>2</sub>	d <sub>1</sub>	5,0	441	19	32	0,67
15	a <sub>4</sub>	b <sub>3</sub>	c <sub>3</sub>	d <sub>1</sub>	4,3	370	26	41	0,49
16	a <sub>4</sub>	b <sub>4</sub>	c <sub>4</sub>	d <sub>1</sub>	4,6	399	24	36	0,58



2-расм. Мойиллик функциясининг шкаласи

Математик режа матрицаси бўйича 16 та тажриба ўтказилди ва мойиллик функциясининг таҳлили ва тажрибалар натижаси бўйича сачратки курук экстракти капсула массаси учун танланган ёрдамчи моддалар қуйидаги кетма-кетликда жойлашди: тўлдирувчилар –  $a_3(2,27) > a_4(2,02) > a_1(1,72) > a_2(1,61)$ ; сирпантирувчилар –  $b_1(2,09) > b_2(2,06) > b_3(1,88) > b_4(1,54)$ ; ғовакловчилар –  $c_2(2,21) > c_1(1,94) > c_3(1,88) > c_4(1,54)$ ; боғловчилар –  $d_3(2,21) > d_1(1,92) > d_2(1,85) > d_4(1,59)$ .

Бунда мойиллик функциясининг  $d(x)$  моҳияти 0 дан 1 гача ўзгаради ва  $d_i \approx 0$  тажрибада келтирилмаган  $i$ -натижа курсаткичи бўлса,  $d_i \approx 1$  — энг олий кўрсаткич. Сачратки курук экстракти капсулалари учун энг мўътадил ёрдамчи моддалар танланди: МКЦ «Пахта целлюлозаси» (тўлдирувчи –  $a_3$ ); кальций стеарат (сирпантирувчи –  $b_1$ ); қурилган крахмал (ғовакловчи –  $c_2$ ); 96% этил спирти (боғловчи –  $d_3$ ). Тажрибаларни математик моделлаштириш натижалари бўйича сачратки курук экстракти капсулалари учун қуйидаги таркиб ишлаб чиқилди:

- Сачратки илдизи курук экстракти 0,30
- МКЦ «Пахта целлюлозаси» 0,135
- Қурилган крахмал (3% намлик сақлаган) 0,06
- Кальций стеарат 0,005
- Этил спирти 96% мўътадил намликкача
- Бир капсуладаги массанинг ўртача оғирлиги 0,500 г

Технологияси: оддий сачратки курук экстракти майдаланиб, тешик диаметри 150 мкм ли элакдан ўтказилади ва олдиндан майдаланган МКЦ «Пахта целлюлозаси», ва 3% қолдик намликкача қурилган крахмал билан аралаштирилади ҳамда 96% этил спирти билан мўътадил намликкача намланди. Ҳосил бўлган масса тешик диаметри 2500 мкм ли элакдан ўтказилади ва 40-50 °C ҳароратда қуритгич жавонида HS 62 А қурилади. Сўнг қуриган масса тешик диаметри 1000 мкм гранулятордан ўтказилади. Тайёр гранулалар олдиндан тешик диаметри 100 мкм ли элакдан ўтказилган кальций стеарат билан упаланди (3-расм). Капсулаланадиган массанинг технологик хоссалари ўрганилади (7-жадвал) олинган натижалар ижобий, капсула тўлдирувчи MF 30 машинада 1-рақамли капсулаларга тўлдирилади.

Диссертациянинг «Antidiabet» капсулалари технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида «Antidiabet» капсулалари технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш бўйича изланишлар олиб борилди. Бунда «Antidiabet» йиғмаси таркибини тузишнинг назарий асослашда инсулинга боғлиқ бўлмаган қандли диабет (2-тур) касаллигини фитотерапиясида қўлланиладиган доривор ўсиликларни таркибидаги биологик фаол моддалар (БФМ) таркиби ва микдори ҳамда уларнинг фармакотерапевтик фаоллиги 1 дан 5 баллгача эксперт баҳолаш усулида баҳоланди (А.Я. Кобзаря ва О.М. Гриценко усули, 2002 й.). «Antidiabet» йиғмаси таркибига қирувчи доривор ўсиликлар - терапевтик фаоллиги (гипогликемик таъсири, т.ф.д., проф. Х.У. Алиева ва б.ф.д., проф.



қадокловчи материалларни тайёрлаш, капсулаланадиган массани тайёрлаш, капсулалаш, қадоклаш, жиҳозлаш (4-расм). «Antidiabet» капсула шаклидаги БФҚ органолептик кўрсаткичлари бўйича баҳоланди: ташки кўриниши – қаттиқ желатина капсулулалари, ранги – оч сариғиш капсулалар, ҳиди - қўлланилаётган компонентларга хос, кучсиз. БФҚ физик-кимёвий кўрсаткичлари: намликнинг масса улуши, кўпи билан - 10,0%, абсолют куруқ моддага қайта ҳисобланган экстрактив моддаларни миқдори (сувли экстракт) камида - 20,0%, металломагнит аралашмаларнинг масса улуши, кўпи билан - 0,0005 г, парчаланиши, кўпи билан – 45 дақиқа, битта капсуланинг массаси - 0,5 г. Бунда «Antidiabet» бир капсулада сақланган инулин миқдори, куруқ модда ҳисобидан  $0,0065 \pm 1,26\%$  ни ташкил этди, ва бир капсулада инулин миқдори 0,0050 г дан кам бўлмаслиги керак деб белгиланди.



4-расм. «Antidiabet» капсуласини олишда қўлланилган технологик жараён тасвири

Диссертациянинг «Одий сачратки ўсимлиги куруқ экстракти капсулалари ва «Antidiabet» капсула шаклидаги БФҚ биофармацевтик баҳолаш ва сақланиш шароити ва муддатини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида биофармацевтик изланишлар *in vivo* усулида олиб борилган тажрибаларда амалга оширилди. Бир марталик корин бўшлиғига гипертоник глюкоза эритмаси юборилиб, ўткир гипергликемия ҳолати

чакрилган каламушларда тажрибани бошланишидан сўнг 60-чи, 90-чи ва 120-чи дақиқаларида каламушлар думидан қон олинди ва ундаги қанд миқдори ферментатив усулда аниқлаб чиқилди. Олинган натижалар Фишер-Стюдент омилли бўйича вариацион статистик усулда таҳлил қилиб чиқилди ва назорат гуруҳида олинган натижалар билан қиёсий солиштирилди (9-жадвал).

9-жадвал  
Сачратки куруқ экстракти ва нинг гипогликемик хоссасини ўрганиш натижалари

№	Тажриба ўтказилган вақт, дақиқа	Гипогликемик таъсир				Гипогликемик таъсир, %
		Қондаги қанд миқдори				
		Глюкоза юборилгунича, ммол/л	Глюкоза юборилгани-дан сўнг		Гипогликемик таъсир, %	
абс.миқдор ммол/л	%					
Назорат гуруҳи						
1	60					
2	90	3,8±0,5	7,42±0,46	194,7		-
3	120		6,44±0,30	169,5		
			4,47±0,37	123,6		
Сачратки куруқ экстракти эритмасини 25 мг/кг ҳисобида олган тажриба гуруҳи						
1	60		5,98±0,42	125,4	20,3	
2	90	3,6±0,6	5,36±0,38	141,0	28,5	
3	120		4,08±0,29	123,3	18,0	
Сачратки куруқ экстракти эритмасини 50 мг/кг ҳисобида олган тажриба гуруҳи						
1	60		4,67±0,37	127,4	23,6	
2	90	3,8±0,9	6,10±0,52	160,5	34,5	
3	120		5,40±0,37	124,3	20,1	
«Панталфит 6» БФҚ йиғмаси брикетидан дамлама 50 мг/кг ҳисобида олган тажриба гуруҳи						
1	60		5,89±0,36	132,1	31,2	
2	90	3,8±0,25	5,44±0,36	151,9	35,1	
3	120		4,35±0,21	114,5	25,7	
“Antidiabet” капсула шаклидаги БФҚ суспензияси 50 мг/кг ҳисобида олган тажриба гуруҳи						
1	60		4,91±0,32	135,9	32,1	
2	90	3,8±0,25	4,55±0,35	151,8	38,2	
3	120		4,25±0,29	125,8	27,7	

Назорат гуруҳига нисбатан математик аниқлик даражаси,  $P < 0,05$ .

Ўрганилаётган 50 мг/кг ҳисобида сачратки куруқ экстракти эритмасини ва “Antidiabet” капсула шаклидаги БФҚ олган ўткир гипергликемия ҳолатидаги тажриба гуруҳи ҳайвонлар қонидаги қанд миқдорини 60-90-120 дақиқалардабир меъёрда пасайтириши ўрганилди, шунингдек «Панталфит 6» БФҚ (АЛФИТ, Фарм. Завод “Гален”, Барнаул ш. Россия Федерацияси) каби тиббиёт амалиётида қўлланилаётган препарат таъсирини қилиши миқдори

исботланди. “Antidiabet” капсула шаклдаги БФҚ нинг таъсири тажрибанинг 90 дақиқасида 49,2% ташкил этди.

Сачратки куруқ экстракти, капсулалари ва “Antidiabet” капсула шаклидаги БФҚнинг табиий шароитда – хона хароратида 2 йил мобайнида сақланиши ва сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгармаганлиги ўрганилди.

#### ХУЛОСА

1. Биринчи марта сачратки илдизи ва ер устки қисмидан куруқ экстракт технологияси ишлаб чиқилди. Олиб борилган тажрибаларда сачратки ўсимлиги куруқ экстрактини олиш технологияси тажрибаларни математик режалаштириш усулидан фойдаланган ҳолда тавсия этилди.

2. Оддий сачратки ўсимлигидан олинган куруқ экстракт таркибидаги таъсир этувчи модда микдори бўйича сифат меъёрлари белгиланди. Олинган оддий сачратки ўсимлиги куруқ экстрактининг технологик хоссаларини ўрганиш ҳамда тажрибаларни математик моделлаштириш натижасида капсула таркиби ва технологияси тавсия этилди.

3. Олинган капсулаларда асосий терапевтик таъсирни таъминловчи полисахаридлар микдорини гравиметрик усулда аниқлаш таклиф этилди.

4. Олиб борилган биофармацевтик *in vivo* тажрибаларда оддий сачратки ўсимлигининг куруқ экстракти ва капсула дори шакли ҳамда “Antidiabet” БФҚ капсулаларнинг ўткир гипергликемия чакирилган ҳайвонларда гипогликемик ҳолати «Панталфит 6» БФҚ (АЛФИТ, “Гален” Фарм. завод, Барнаул ш., Россия Федерацияси) препаратига нисбатан қиёсий ўрганилди. Бунда препаратларнинг биологик самарадорлиги 50 мг/кг микдорда перорал берилганида аниқ гипогликемик хоссаси белгиланди.

5. “Antidiabet” БФҚ капсулалари таркиби ишлаб чиқилди ва «GOLD RAY PHARMACEUTICALS» МЧЖ корхонасида синовдан ўтказилди. «Antidiabet» йиғмаси асосида тайёрланган капсула шаклидаги БФҚга Техник стандарт «Ўзстандарт» агентлиги томонидан (Ts 26140431-001:2019) ва Технологик йўриқнома Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 26140431-001:2019).

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЖАЛИЛОВ УТКИРБЕК МАМАРАҲИМОВИЧ

РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ СУХОГО ЭКСТРАКТА И КАПСУЛ  
ЦИКОРИЯ ОБЫКНОВЕННОГО (*CICHORIUM INTYBUS L.*)

15.00.01 – технология лекарств

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент -2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.1.PhD/Far25.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziynet.uz.

**Научный руководитель:** Қамбаров Хусан Жахангирович  
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Тўхтаев Ҳаким Раҳманович  
доктор фармацевтических наук, профессор

Сотимов Гайрат Бахтиярович  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт имени А. Султонова

Защита диссертации состоится «15» 12 2019 г в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSC.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 12) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «12» 12 2019 года  
(Ресстр протокола № 10 от «12» 12 2019 года)



**И. И. Алимджанов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.м.н., профессор

**Ё. С. Кариева**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., профессор

**Ф. Ф. Урманова**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Международной федерации диабета (IDF), в 2019 году в мире насчитывается более 425 миллионов пациентов с диабетом II типа. По прогнозам к 2040 году количество больных диабетом достигнет 642 миллионов<sup>1</sup>. Профилактика и лечение данного заболевания, обеспечение населения качественными, безвредными, отечественными лекарственными средствами и биологически активными веществами, разработанными из местного сырья, имеют большое значение.

В мире проводятся научные исследования по разработке технологии получения экстрактов различной консистенции из местного лекарственного растительного сырья, разработке на их основе различных лекарственных форм, определению качественных и количественных параметров. В связи с этим необходимо разработать технологию получения экстрактов из местных лекарственных растений с использованием современного оборудования, изучить факторы, влияющие на экстракцию биологически активных веществ, разработать лекарственные формы на основе этих экстрактов и установить сроки их годности.

В нашей республике особое внимание уделяется расширению ассортимента качественных и экономически выгодных препаратов за счет производства лекарственных средств и биологически активных добавок из лекарственных растений. В четвертой главе Стратегии действий на 2017–2021 годы изложены основные задачи «по дальнейшему ускоренному развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, эффективными и высококачественными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения»<sup>2</sup>. В связи с этим важное значение приобретает дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, подбора состава и разработки технологий экспорто-ориентированных биологически активных добавок и лекарственных средств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 23 января 2018 года № ПП-3489 «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и импорта лекарственных средств и изделий медицинского назначения», от 14 февраля 2018 года № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускорению развития фармацевтической промышленности», от 12 октября 2018 года № ПП-3968 «О мерах по упорядочению сферы народной медицины в Республики

<sup>1</sup> Тарасенко Н.А. Сахарный диабет: действительность, прогнозы, профилактика // Современные проблемы науки и образования. – 2017. – № 6.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Узбекистан», от 19 апреля 2019 года ПП-4295 «Об утверждении Национальной программы совершенствования оказания эндокринологической помощи населению Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** При получении сухих экстрактов из растения цикория, использованного в диссертационных исследованиях, разработке таблетированной лекарственной формы особое место занимают научные работы Х.М.Комилова, Д.Ю.Адилбековой и Ж.А.Адилбекова. Гипогликемическое и мочегонное свойства настоя из надземной части и корня растения цикория изучены З.Т. Файзиевой и З.Ю. Усмановой.

